IMFAKTOR PAGES

ISSN: 2181-4066

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

ЯНВАРЬ, 2023

1-СОН

PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ И ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ

ISSN: 2181-4066
DOI Journal 10.56017/2181-4066

ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ И ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ
НОМЕР-1

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ

1-СОН

PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES
SCIENTIFIC-PRACTICAL JOURNAL
VOLUME-1

ТОШКЕНТ - 2023

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР
илмий-амалий журнали
№ 1 (2023) DOI http://dx.doi.org/10.56017/2181-4066-2023-1

Бош муҳаррир:
Нишонова З. – психология фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:
Насиров К. – педагогика фанлари номзоди, доцент

Таҳририят аъзолари:
Абдужаббарова М. – педагогика фанлари номзоди, доцент
Абдураҳимов Қ. – психология фанлари бўйича фалсафа доктори
Акмалов А. – педагогика фанлари номзоди, доценти
Акрамова Ш. – педагогика фанлари доктори, профессор
Алиев М. – педогогика фанлари бўйича фалсафа доктори
Джураев Д. – педагогика фанлари доктори
Душанов Р. – психология фанлари номзоди, доценти
Негматовна Г. – педагогика фанлари номзоди, доцент
Разакова Р. – психология фанлари бўйича фалсафа доктори
Тожибоева Г. – психология фанлари бўйича фалсафа доктори
Тожибоева Г. – психология фанлари бўйича фалсафа доктори
Тўйчиева С. – психология фанлари номзоди, доцент

Мазкур фанлараро илмий-амалий журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 22 декабрь куни **№ 054834**-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: https://imfaktor.uz, 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй.
Телефон номер: +99894-410 11 55, **E-mail:** tahririyat@imfaktor.uz

© IMFAKTOR Pages, 2023 йил.
© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

IMFAKTOR ©
ilmiy nashrlar portali
https://imfaktor.uz

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛИ

1-СОН | ЯНВАРЬ, 2023 ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

ЖУМАНОВ Лочинбек Ҳабибулла ўғли
Жиззах давлат педагогика университети
Таълим муассасаларининг бошқаруви магистранти

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА АХБОРОТ БИЛАН ИШЛАШ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Иқтибос келтириш учун: **ЖУМАНОВ Л.Ҳ.** Таълим муассасаларида ахборот билан ишлаш компетенцияларини ривожлантиришнинг педагогик-психологик жиҳатлари // Педагогик ва психологик тадқиқотлар. № 1 (2023) Б. 120-125.

https://doi.org/10.5281/zenodo.7579552

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ахборотларни жамият ҳаётига кириб келиши, ва шу асосида таълим тизимини ривожланиши, ўқув ва ҳаётий фаолиятида ахборотлардан фойдаланиш компетентлигини оширишга қаратилган сай ҳаракатларнинг натижалари ушбу мақолада ўрин олган. Бундан ташқари мақолада таълим муассасаларида ахборот билан ишлаш компетенцияларини ривожлантиришнинг педагогик-психологик жиҳатлари, соҳага оид олимларнинг қарашлари фикрлари ўрин олган.

Калит сўзлар: ахборот, компетенция, интеграция, кибернетика, компетенциявий ёндашув, коммуникатив компетенция, ахборотлар билан ишлаш компетенцияси, ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси.

ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ И ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ФОРМИРОВАНИЯ КОМПЕТЕНЦИЙ ПО РАБОТЕ С ИНФОРМАЦИЕЙ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ

АННОТАЦИЯ

В данной статье представлены результаты различных мероприятий, направленных на внедрение информации в жизнь общества, и развитие на этой основе системы образования, повышение компетентности использования информации в учебной и жизнедеятельности. включены в эту статью. Кроме того, в статье приведены педагогико-психологические аспекты развития компетенций работы с информацией в учебных заведениях, мнения ученых в данной области.

Ключевые слова: информация, компетентность, интеграция, кибернетика, компетентностный подход, коммуникативная компетентность, компетенция обработки информации, компетенция саморазвития.

PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL ASPECTS OF DEVELOPING COMPETENCES FOR WORKING WITH INFORMATION IN EDUCATIONAL INSTITUTIONS

ABSTRACT

In this article, the results of various actions aimed at the introduction of information into the life of the society, and the development of the educational system based on this, and the improvement of the competence of using information in educational and life activities are included in this article. In addition, the article contains the pedagogical and psychological aspects of the development of competences for working with information in educational institutions, the opinions of scientists in the field.

Key words: information, competence, integration, cybernetics, competence approach, communicative competence, information processing competence, self-development competence.

Ахборотлар жамият ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб, уни узатиш ва қабул қилишнинг XXI асрдаги имкониятлари самарали равишда ўсиб бормокда. Ахборот майдони фан ва ижтимоий ҳаёт тараккиётининг муҳим омилига айланди. Ижтимоий тараққиёт барча соҳалар ривожланишида акс этиб боради. Хусусан, таълим соҳаси ҳам ижтимоий ҳаётнинг бир кисми сифатида доимий равишда ижтимоий ҳаёт ютуқларини ўзида акс эттиради. Таълимнинг замон талаблари асосида ривожланиб бориши фундаментал ўзгаришлар, янгича ёндашувларни тақозо этади. Шунинг учун ахборотлардан самарали фойдаланишнинг йўллари ва имкониятларини топиш таълимнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланиб, таълим олувчиларга ахборотларни ўзлаштириш, интерпретация килиш, кайта ишлаш, уларнинг имитацияларини яратиш, шу билан бирга, янги ғоялар асосида ахборотларни ишлаб чиқиш, ўзлаштирилган ахборотларни интеграция қилишга ўргатиши, ўқувчиларни ўқув ва ҳаётий фаолиятида ахборотлардан фойдаланиш компетентлигини оширишга хизмат қилиши лозим.

Таълим олувчилар томонидан ахборотларнинг ўзлаштириб борилиши билан бирга уни кўллай олишга ўрганилиши уларни интерпретация қилиш, қайта ишлаш имитацияларини яратиш имкониятларини беради.

Қадимги Грек файласуфи Суқрот «ўкитувчининг ижодкорлиги, бу тайёр ахборотни ўкувчига етказишга эмас, балким, ўқувчиларни ҳақиқатга интилиш, мустакил фикрлашларини ривожлантиришга каратилганлигидадир» деб ва таъкидлаган [1, Б.8]. Кўп ҳолатларда ўзлаштирилган ахборотлар миқдори (ҳажми) таълим самараси сифатида қаралиб, таълим натижаларини баҳолашда ўзлаштирилган ахборотлар микдори ҳисобга олинада. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ахборотлашган жамиятнинг асосий талаби ўзлаштирилган ахборотларни тегишли соҳалар ҳамда ҳаётий фаолиятлар давомида кўллай олиш даражаси билан белгиланади.

Бир қанча илмий тадқиқот ишларида ҳам компетенциявий ёндашувга асосланган таълимда таълимнинг натижасига аҳамият берилиши ва бунда ўқувчи томонидан ўзлаштирилган ахборотлар хажми эмас, балки турли вазиятларда мазкур ахборотларни қўллай олишига эътибор каратилиши лозимлиги таъкидлаб ўтилган [2, Б.154].

Ахборот тушунчасига илмий адабиётлар, луғатларда турли таърифлар келтирилган. Масалан, предмет, далил, воқеа, ҳодиса ва жараёнлар ҳақидаги маълумотлар, шу каби объектлар ҳақидаги билим ҳамда тушунчалар, қизиқиш уйғотиши мумкин бўлган ва сақланиши ва қайта ишланиши лозим бўлган жами далил ва маълумотлар [2, Б.156], шунингдек, «ахборот» (лот. иформацион таништириш, тушунтириш) фалсафада қадим замонлардан буён қўлланиб келинаётган, кибернетиканинг тараққиёти туфайли кейинги вактда янги, кенгрок маъно касб этган марказий категориялар сифатида майдонга чиққан тушунча сифатида таърифлар келтирилган [2, Б.162].

Ахборот термини кишилик жамиятининг барча жабҳаларида қўлланилади ва улар асосида таълим тарбия жараёни олиб борилади ҳамда педагогик фаолият бошқарилади. Ахборотлар жамият ҳаётида муайян даражада аҳамият касб этиб, хусусан, таълим тарбия жараёнларини бошқаришда асосий манба бўлиб ҳисобланади, чунки улар объектдан олинган ахборотларни тизимларга (қисм тизимларга) ажратиш ва қайта ишлаш ҳамда керакли мақсадлар бўйича узатиш алгоритмларини амалда жорий этишга кенг имкониятлар яратади.

Жаҳон цивилизациясининг ахборот майдонида, жамиятнинг ҳар бир аъзоси, ўзининг кундалик фаолиятида, узлуксиз равишда ахборотлардан фойдаланади. Яъни жамиятнинг ҳар бир аъзоси ахборот истеъмолчиси ҳисобланади. Ахборот истеъмолчиси ўз эҳтиёжини қондириш (билимларни ошириш, таълим олиш ва ҳ.к.) мақсадида ахборотга муҳтож, уни изловчи ва олувчи шахс ва шахслар. Демак, ўқувчилар ҳам ахборот истеъмолчилари ҳисобланади. Таълим жараёнида шу билан бирга, кундалик фаолиятлар давомида ўқувчилар ахборотларнинг фаол истеъмолчиси сифатида ўз ўқув фаолияти жараёнида зарур ахборотларни ўзлаштириб боради. Ахборот истеъмолчилари сифатида ўқувчиларнинг ахборот истеъмоли маданиятини тарбиялаш юзасидан катор илмий изланишлар олиб борилган бўлиб уларда ахборот истеъмоли маданиятининг функцияларига алоҳида урғу бериб ўтилган [5, Б.14].

Ахборотдан фойдаланиш кўламлари жамият ривожланиши даражасини белгилайди [6, Б.152]. ЮНЕСКО хулосасига кўра, ахборотлаштириш бу ахборотларни тўплаш, саклаш ва узатиш воситаларининг қўлланилишидир. У мавжуд билимларни тизимлаштириш ва янги билимларни шакллантириш ҳамда уларни жорий бошқариш, янада такомиллаштириш ва ривожлантириш учун қўллашни таъминлайди [6, Б.152].

Таълим ўқувчиларнинг ахборот олиш ва қайта ишлаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш вазифасини узлуксиз бажариб боради хамда таълим олувчилар томонидан ахборотларнинг ўзлаштирилганлик даражасининг ошиши, ахборотлардан фойдаланиш кўламининг кенгайиши таълим самарадорлигини белгилашга хизмат қилади.

Таълим жараёнида ахборотлар билан ишлаш масаласини замон талаблари асосида доимий равишда такомиллаштириб бориш лозимлигини бугунги кун амалиёти кўрсатмокда.

М.М. Ваҳобов фикрича «компетенциявий ёндашувга асосланган таълим ўқувчиларда эгалланган касбий ва ижтимоий билим, кўникма ва малакаларни ўз шахсий фаолиятларида амалий қўллай олиш компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган таълимдир» [4, Б.147].

Таълимда компетенциявий ёндашув «... компетенциялардан шахсий, касбий ва ижтимоий ҳаётда учрайдиган турли вазиятларда самарали фойдаланишга ўргатишни кўзда тутади. Бунда кутилмаган ноаник, янги, муаммоли вазиятларга дуч келинганда тегишли билим, кўникма, малакалардан фойдалана олишга алоҳида эътибор қаратилади. Шу боис ҳар бир фанни ўқитиш жараёнида унинг мазмуни ҳамда хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда унга доир компетенциялар шакллантирилади» [3, Б.74.].

«Компетенция» тушунчаси илк бор XX асрнинг 50-60-йилларида илмий адабиётларда тилга олинган. Америкалик олим Н.Чомскй «Синтактик структуралар», «Синтаксис назариясининг аспектлари» номли асарларида компетенцияни инсоннинг бирор фаолиятни амалга ошириш лаёқати сифатида талқин этган [1, Б.13].

Илмий ва «компетентлик» адабиётларда «компетенция» тушунчаларини таърифлашда турли қарашлар мавжуд. Ф.Деламаре ва Ж.Витертон компетенцияни маълум бир фаолият талаб киладиган стандарт хулк-атвор, ўзини тутиш, компетентликни ушбу талабга мослик даражаси, яъни компетенцияни намойиш қилишнинг пировард натижаси сифатида тавсифлайди [2, Б.158.].

Г.А. Асилова диссертация ишида «компетенция» ва «компетентлик» тушунчалари бўйича берилган таърифларни умумлаштирган ҳолда «компетенция» - маълум бир соҳада фаолият юритиш жараёнида шахсий сифатлар ҳамда билим, кўникма ва малакаларнинг самарали қўлланиши; «компетентлик» муайян фаолиятни амалга ошириш учун мавжуд ҳамда юзага чиқиши мумкин бўлган лаёкатдир [3, Б.85.] деб таърифлаган. Ж.Э. Усаров ўз илмий ишларида компетенциянинг «маълум соҳа ёки йўналишдаги тажриба ва билимлар, фаолиятни амалга оширишга бўлган тайёрликнинг намоён бўлиши ҳамда шахснинг турли ностандарт ҳолатларда муваффақиятли ҳаракат қила олишидир» [3,Б.87.] таърифини кўрсатиб ўтган. Б.Х. Ходжаевнинг фикрича «компетенция ўкувчининг янги шахсий тажрибани ўзлаштиришга доир ўз-ўзини ривожлантиришга доир харакатларини интеграциялашга хизмат килади» [1, Б.10]. Н.А. Муслимов компетентлик алоҳида билим ва малакаларнинг эгалланиши эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилиши эканлини таъкидлайди. Тадкикотчилар О.М. Бобиенко ва З.Н. Сафин компетентлик тушунчасини таърифлашда билим, кўникма ва малакаларни инкор этмасдан улардан фаркини куйидагича ифодалайди: «билимдан фарки шундаки, компетентлик фаолият кўринишида мавжуд бўлади, у ҳақда ахборотнигина билиш (билиш шарт, бирок уни билимни амалий жиҳатига қодир бўлмаслик) дан фарқ қилади.

Малакадан фарқи шундаки, компетентликда турли хил вазифаларни ҳал этишда ўзгаришлар бўлиши (турли объектлар таъсирига ўтиши) мумкин. Малакадан фарки шундаки, улар англанган ва автоматлаштирилмаган, инсонга нафақат одатий муҳитда, балки янги ноодатий мухитда ҳам ҳаракат қилиш имконини беради» [3, Б.78]. Н.Ф. Радионова илмий ишларида компетентликнинг табиати ва эътиқодининг боғлиқлигини таъкидлаб ўтади [2, Б.189].

Ўзбекистон Республикасида таълимнинг узлуксизлиги, узвийлиги, ўкувчи шахси ва қизиқишлари устуворлигидан келиб чиқиб, уларнинг ёш хусусиятларига МОС равишда куйидаги таянч компетенциялар шакллантирилади.

- Коммуникатив компетенция;
- Ахборотлар билан ишлаш компетенцияси;
- Ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси;
- Ижтимоий фаол фукаролик компетенцияси;
- Миллий ва умуммаданий компетенция;
- Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси [5, Б.78].

Ушбу тадкикот ишининг ғояси учун умумий ўрта таълимнинг ДТС га кўра, ахборот билан ишлаш компетенциясининг таърифи сифатида «ўкувчиларда манбалардан зарур маълумотларни излаб топа олиш, саралаш, кайта ишлаш, саклаш, улардан самарали фойдалана олиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, медиа маданиятга эга бўлиш лаёқатларини шакллантириш» назарда тутилиши асос қилиб олинди. Ахборотлар билан масалалари юзасидан компетенцияларини шакллантириш катор илмий изланишлар олиб борилган.

Г.С. Эргашеванинг тадқиқот ишларида интерактив дастурий воситалар билан ишлаш кўникмаларини боскичма-боскич шакллантириш натижасида ахборот компетенциясини ривожлантиришга урғу берилган [5, Б.154].

Шахснинг биологик хусусиятларини (масалан таълим олувчиларнинг жинсидаги тафовутлар) ва физиологик хусусиятларини (ёш хусусиятларини) бирлаштиради. Демак, таълимда компетенциявий ёндашув ўқувчиларни олган билимларини мустақил равишда ҳаётий фаолиятлар давомида қўллай олишига тайёрлаш юзасидан пайдо бўлган [2, Б.265].

Таҳлиллар асосида таянч компетенциялар:

– интегратив табиатга эга бўлиб, шахснинг ижтимоий ҳаёт билан интегратив тавсифи сифатида ҳаётий фаолиятлар давомида зарур бўлган билимларни қўллай олишни назарда тутади;

– шахснинг комплекс тавсифи сифатида шахсий сифатларини ҳам ўз ичига олади;

– компетенциялар ўкув ёки ҳаётий фаолиятлар давомида англанган ва англанмаган тарзда намоён бўлади;

фанга оид компетенциялар ўз навбатида, маълум бир фанга оид билимларни ўша фан сохалари бўйича кўллай олишни кўзда тутади;

– таьлим жараёнининг натижалари ўкувчиларда шакллантирилган ва ривожлантирилган компетенциялар билан белгиланади;

– компетенциявий ёндашув ўқув жараёнида назария ва амалиёт бирлигини таъминлашга хизмат қилади.

Муаллифларнинг юқорида қайд этиб ўтилган қарашлари ҳамда йиғилган материаллар, шунингдек, тадқиқот мақсади ва вазифаларидан келиб чикиб, ахборот билан ишлаш компетенцияси сифатида ахборот технологиялари соҳасидаги назарий билим, амалий малакалар ҳам назарда тутилиши аникланди [3, Б.75].

Таълим соҳасида ахборотлар кўламининг кенглиги ва тезкор суратларда ўсиб бориши ҳамда улар билан ишлаш жараёнида техник воситаларнинг тобора кенг кўлланилаётгани таълим олувчиларда зарур кўникмаларни шакллантириб боришни талаб қилади. Аммо бу борада умумий ўрта таълим мактаблари ва таълимнинг кейинги босқичлари ўртасида маълум узилишлар кўзга ташланади. Булар: ахборотларни мустақил ўзлаштириш учун зарур ахборотлар ҳақида маълумотларга эга бўлиш, мавжуд ахборотлардан фойдаланиш асосида зарур ахборотни ўзлаштириб бориш, ахборотларни кайта ишлаш, ахборотлар базасига эга бўлиш, уларни амалий фаолиятларда қўллай олиш жараёнида кўринмокда.

Зеро, таълимнинг юкори боскичларига ўтган сари бу жараён такомиллашиб бораверади ва педагогик жараённинг мазмунига айланиб боради. Ўкувчиларда ахборотлар билан ишлаш компетенциясини ривожлантириш ушбу жиҳатдан ҳам муҳим саналади.

ИҚТИБОСЛАР

1. Болотов, В.А., Сериков В.В. Компетентсия модели: ғоядан таълим дастуригача Педагогика. 2003. - С. 8-14.

2. Иванов, Д.А., Митрофанов К.Г., Соколова О.В. Таълимда компетенсияга асосланган ёндашув: муаммолар, тушунчалар, воситалар.Ўрта умумий таълимни ахборотлаштириш: Илмий-услубий қўлланма. - М .: Россия Педагогика Жамияти. - 2004. -384 б.

3. Замонавий таълимда компетентсия ва компетенсияга асосланган ёндашув // Курнешова Л.Е. - М.: Москва таълим сифати маркази.- 2008.- 96 б.

4. Селевко, Г.К. Ахборот-коммуникатсия воситаларига асосланган педагогик технологиялар. "Таълим технологиялари энтсиклопедияси" серияси. - Мактаб технологиялари илмий-тадқиқот институти. - 2005. - 208 б.

5. Р.Х. Алимов, Г.Т. Юлчиева, О.Қ. Рихсимбоев, Ш.А. Алишов Ахборот технологияси ва тизимлари. Ворис нашриёт - 2 0 1 1. 246.

6. Иқтисодиётнинг реал тармоқларини инновацион ривожланишида ахборот–коммуникация технологияларининг аҳамияти Республика илмий-техник анжуманининг МАЪРУЗАЛАР ТЎПЛАМИ 2017 й. 438 б.